
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 67 (4166).
22 МАРТ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Зарбдор меҳнатимиз — улуғ доҳий юбилейига

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

Ҳар йилгидан кўп

Тошкент газ аппаратлари заводи коллективи бу йилги шанбаликда ҳар йилгидан кўп маҳсулот — 13 минг сўмлик газ плита буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Шу куни 30 та газ горелкаси, 350 та газ плитаси ишлаб чиқарилади, 0,5 минг сўмлик капитал ремонт ишлари амалга оширилади.

— Шуниси қувончлики, — дейди завод партия ташкилотининг секретари Антонина Ивановна Целородцева, — заводимизнинг собиқ ишчилари ҳозирда эса қарилик гаштини сураётган кўплаб пенсионерлар ҳам коллективимиз билан биргаликда меҳнат байрамига чиқишга бел боғлаганликларини маълум қилишди. Шанбаликда жами 490 нафар ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходим иштирок этади. Беш йиллик фондига эса 1500 минг сўмлик иш ҳақи ўтказилади.

Газ аппаратчилар корхона атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир ш ишларини ҳам шанбаликлик программасига киритганлар.

Юксак унум билан

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 19 апрелда бир тан, бир жон бўлиб коммунистик шанбаликка чиқишга ва юксак унум билан ишлашга аҳд қилди.

— Шу куни,— дейди бирлашма партия ташкилотининг секретари Н. Е. Торшилова, 930 киши шанбаликка чиқади. Шунингдек, 30 нафар пенсионер меҳнат байрамида иштирок этиш истагини билдирди. Коллективимиз шанбаликда жами 69 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бундан ташқари корхона атрофини ободонлаштириш борасида ҳам талай ишлар амалга оширишни мўлжалланган.

Айни кунларда бирлашма коллективи меҳнат байрамига қизғин тараддуд кўрмоқда. Улар электротехника заводи коллективининг ташаббусига қўшилиб, коммунистик шанбали шарафига саккиз зарбдор ҳафта эълон қилдилар. Ҳозир улар учинчи ҳафтани якунлаш арафасида туриб-дилар.



Модалар уйининг коллективи аҳолига замонавий, турли кийим-кечаклар етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу суратда эксперименталь цехнинг чевари Лариса Казанова акс этган. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу ишчи кунлик топшириқларини 30 процент ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

И. Шоиногомов фотоси.

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ШАҲАР ШТАБИНИНГ

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўнинчи беш йиллик фондига. Тошкентнинг кенжа районларидан бири — Сергели районининг меҳнаткашлари беш йиллик фондига 45 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказадилар. Бунга граждан авиацияси 243-заводи, қуёш тўсқич мосламалар, темир-бетон конструкциялар заводлари, «Ташпромстрой» трести, Сергели авиабўлинмаси каби корхоналар салмоқли ҳисса қўшадилар. Тошкент авиабўлинмасининг учувчилари эса шу куни барча рейсларни тежалган ёнилғи ҳисобига бажарадилар. Шанбаликда 30 мингдан зиёд сергелиликлар иштирок этади. шулардан 14,5 минг нафари ўз иш жойларида меҳнат қиладилар, қолганлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. «Қизил шанбалик» куни районнинг яшил либосига яна 30 минг туп дарахт, буталар, гуллар қўшилади. 20 минг метрга яқин суғориш иншоотлари тартибга келтирилади.

Бир тан, бир жон бўлиб. «Узбексельмаш» заводи коллективининг кеча бўлиб ўтган умумий йиғилишида ҳаммамиз якдиллик билан меҳнат байрамига чиқамиз, деб қарор қабул қилинди. Шанбаликда 3 мингдан зиёд киши иштирок этади, улар 80 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Шу куни корхонада 20 та чигит экадиган сеялка, тупроққа гербецид сочувчи 10 та мослама тайёрланади, 20 тонна чўян, пахтачилик машиналари учун 5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Цехларда лекциялар. Кеча «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех ва бўлимларида В. И. Ленин туғилган куннинг яқинлашиб келаётган 110 йиллигига, коммунистик шанбаликка бағишланган лекция ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Корхона раҳбарлари ва мутахассислари, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг аъзолари —И. Т. Соколов, Ю. Ф. Кабардин. В. М. Богословский, З. Ш. Насриддинхўжаев, А. А. Иброҳимов ва бошқалар «Буюк почин» мавзуида лекциялар ўқидилар, кабельчиларнинг зарбдор меҳнат кунига белгиланган марралари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Комсомол ва ёшлар шанбаликка қандай тайёргарлик кўришяпти? Ана шу савол билан биз 159-қурилиш тресги комсомол комитетига мурожаат қилдик.

— Ҳозирча аниқ бирон нарса айтиш қийин, — жавоб беришди бизга комитетда. — Яқинда комсомолларнинг умумий йиғилиши бўлади. Ана ўшанда ҳаммасини ҳал қиламиз.

Қурилиш трестида қурувчиларнинг зарбдор меҳнат кунига белгиланган марраларидан далолат берувчи умумий рақамларни ҳам келтира олмадилар. Фақат: тез орада ҳаммаси «ўз ўрнида бўлади», деб ваъда беришди. 159-қурилиш трестида 19 апрелга белгиланган тадбирларни муҳокама қилиш чўзилиб кетмадимикан? Ахир «Ўз ўрнига қўйиш» эмас, уларни бажариш вақти келди-ку.

ЎРТОҚЛАР, ЭСЛАТАМИЗ: КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА 28 КУН ҚОЛДИ!

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комиссиясининг раиси Намсрайн Лувсанравдан бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси делегациясини 21 март куни қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

● 21 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши бўлди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон ССР Педагогика жамиятининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР ВАХТА

Ўзаро мусобақадаш Ҳамза ва Куйбишев районлари меҳнаткашлари доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб, асосий буюмлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йилликнинг тўрт йили икки ойлик давлат топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Саноат корхоналари ходимлари халқ хўжалигига пландан ташқари 3.946 минг сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Шу билан бирга ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Шунингдек, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш металл, ёнилғи, электр-энергиясини тежаш, янги техникани жорий этиш ва бошқа планлар ҳам ортиғи билан муваффақиятли бажарилди.

Бугун биз ҳар икки район корхоналари хўжалик-иқтисодий фаолиятлари ва Ленин юбилейи шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларининг бажарилиш якунлари тўғрисида газетамизнинг иккинчи саҳифасида ҳикоя қиламиз ва шу билан районлараро ва бир-бири билан мусобақадош меҳнат коллективларининг анъанавий йўлламасини бошлаймиз.

Газетамизнинг навбатдаги сонларида Октябрь ва Чилонзор, Киров ва Собир Раҳимов, Ленин ва Фрунзе ҳамда Акмал Икромов ва Сергели районлари корхоналари ўртасидаги мусобақа якунлари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ТЕЖАМКОРЛИК — ЯХШИ ХИСЛАТ

Тошкентдан Дарбозагача

Тошкент тепловоз депосининг машинистлари ўтган йили тежамкорлик соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Йилни ҳам яхши суръат билан бошлаган тежамкор машинистлар юк ва пассажир поездларини моҳирона бошқариб, ой сайин кўплаб килограмм қимматбаҳо ёқилғини тежаб қолаяптилар.

Тежамкорлик ҳаракати мусобақасида Григорий Яковлевич Геращенко бошлиқ пассажир поезди машинистлари пешқадамлик қилмоқда. Мазкур колоннада жами 23 нафар машинист бўлиб, улар бу йил 80 тонна ёқилғини тежаб қолиш мажбуриятини олган.

БУГУН

колонна машинистларининг йил бошидан буён тежаб қолган ёқилғиси 15 тоннадан ошиб кетди.

Бу ютуққа ўз касбининг усталари, тежамкор машинистлар — С. Ковалев, И. Бинов, В. Бубякин, Т. Дўстмуҳамедов кабилар муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бири 1,5—2 минг килограммдан зиёд ёқилғини тежаб қолдилар. Колонна машинистлари тежаган ёқилғи ҳисобига Тошкент — Дарбоза станциялари оралиғида юзга яқин поезд бориб келиши мумкин.

М. ҲАКИМОВ.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Тобора гўзаллашмоқда

Пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаётган шу кунларда Куйбишев районидаги Улуғбек шаҳарчаси ҳам ҳар томонлама ободонлаштириляпти. Шаҳарча территориясини дов-дарахтларга бурканган, янги микрохиёбонлар бунёд этиш, шунингдек, суғориш тармоқларини тартибга келтиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳозир ҳар шанба-якшанба кунлари бу ерда оммавий ҳашар уюштирилиб, унда кенг миқёсда ободончилик ишлари бажарилмоқда. Райондаги трактор ва «Ташкенткабель» заводлари, шунингдек САННИРИ илмий-текширищ институтлари коллективлари ҳам шаҳарни ободонлаштириш бўйича ўтказилаётган ҳашарларда актив иштирок этиб, ўзларига бириктирилган территорияларни кўркамлаштиришмоқда.

Шу кунларда И. Мўминов кўчасида, М. Горький проспектида, шаҳар ҳалқа йўли атрофида кўчат ўтказиш ишлари жадал олиб борилляпти. Айни пайтда, шаҳар ҳалқа йўлига туташ жойда янги микрохиёбон бунёд этилмоқда.

Ҳозирга қадар район ободонлаштириш бошқармасининг кўкаламзорлаштиру в ч илари кўчалар ва янги хиёбонларга ўн минг тупдан ортиқ кўчат ва яшил тўсиқлар ўтказиб бўлишди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

Тошкент шаҳри бўйича:

1. **Оқимбоева** Марҳамат—ишчига.
2. **Арзиметова** Карима—уй бекасига.
3. **Қосимова** Дилбар—уй бекасига.
4. **Муслимова** Насиба—уй бекасига.
5. **Муҳаммаджонова** Моҳи Йўлдошевна—уй бекасига.
6. **Расулова** Нигора — уй бекасига.
7. **Умарова** Насиба—ишчига.
8. **Ҳидоятова** Шарифа—уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. Георгадзе.

Москва, Кремль,
1980 йил, 12 март.

ЎЛКАМИЗ САҲОВАТИ

Тошкентда сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари ялпи савдоси бўйича республикалараро ярмарка бўлиб ўтди. Ярмарка ишида Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг матлубот жамиятлари, аграр саноат бирлашмалари, РСФСР савдо ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Ярмаркада Узоқ Шарқ, Сибирь, Чекка Шимол ва ноқоратупроқ зонага, шунингдек, Байкал-Амур магистрали қурувчиларига дала неъматлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. «Узплодоовощ в и н пром» ва «Узбекбирлашув» ташкилотлари ҳам бу йил турли адресларга 785 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузишди.

Республикамизнинг саховатли деҳқонлари бу йил мамлакатимизнинг турли шаҳарларига планда кўзда тутилганидан 100 минг тонна ортиқ дала неъматларини юборишади!

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Чехословакия телевидениеси йигирма сериядан иборат «Улуғ Ватан уруши» кинофэпопеясини намойиш этиш охирида «Номаълум солдат» телевизион ҳужжатли фильмни кўрсатди. Мамлакатнинг миллионлаб телетомошабинлари салкам ярим йил мобайнида чоршанба кунлари «Зангори экран»лар қаршисига тўпланиб, совет халқи фашизмга қарши олиб борган улуғ жанг тасвирлан-ган фильмларни кўрдилар. Фильм барча авлодларнинг диққатини ўзига бир хилда жалб этган бундай ҳол жуда камдан-кам учрайди. Уруш тўғрисидаги, совет кишилари берган қурбонлар тўғрисидаги, улар кўрсатган мислсиз қаҳрамонлик ҳақидаги, фашизмнинг ваҳшийлиги ҳақидаги ҳақиқат ҳар бир кишини ғоят ларзага солди. Кинофэпопеянинг ҳар бир серияси намойиш қилингандан кейин «Гвезда» марказий радиопрограммаси орқали эшиттирилган репортажлар туркуми фильм муваффақиятига катта ҳисса қўшди.

● ТОКИО. Кобе шаҳридаги округ суди ҳукуматга ва учта фармацевтика компаниясига Японияда смон касали билан оғриган кишиларга 172 миллион иен товон тўлаши кераклиги тўғрисида ҳукм чиқарди. Бу оғир касаллик инсон организми учун хатарли бўлган дориларни истеъмол қилишдан келиб чиқади. Натижада киши кўриш қобилиятини йўқотади, нерв системаси ва қўл-оёғи ишламай қолади. Кобе шаҳри суди смон касали қурбонларига товон тўлаш юзасидан ўзининг мартадаги ҳукм чиқарди. Бироқ, шу вақтгача фақат 159 кишигагина — ана шу касаллик натижасида зарар кўрган ёки қариндош-уруғлари ўлган кишиларгагина товон тўланди. Аслида, смон касалига чалинган кишилар сони 20 минг кишига етди.

● ЯУНДЕ. Бу ерда демография статистикаси юзасидан Африка мамлакатларо семинар ўтказилмоқда. «Қитъада 80-йилларда ўтказиладиган аҳолни рўйхатига, жаҳон аҳолни рўйхатига тайёргарлик кўрайлик» деган шиор остида ўтаётган семинар ишида Африкадаги 25 давлат вакиллари қатнашмоқда.

Семинар қатнашчилари ўз нутқларида иқтисодий ва соцнал программаларни планлаштириш ва амалга оширшш учун тўғри ва ўз вақтида ўтказилган демографик маълумотларнинг, ғоят муҳимлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

● *Мусобақа илғорларига — байроқлар*

Метрополитенчилар шаҳдам одими

«Собир Раҳимов» станцияси. Сўнгги бекат. Илтимос, вагонларни бўшатинглар». Аммо бу ерда эса бошқача сўз жаранглади: «Илтимос, вагонларни эгалланглар. Поезд электр депосига йўл олади».

Метрополитен барча хизмат бўлимларининг ва ер ости йўли коллективларининг вакиллари бу ерга ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш бўйича бошланган социалистик мусобақада голиблик қилган метрополитенчиларга кўчма Қизил байроқни топширишга бағишланган митингга йиғилишди.

Метрополитен 1979 йил мусобақаси якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, мамлакатимиз темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1979 йил тўртинчи квартали якунига кўра ССРР йўллар министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг, ҳамда 1979 йилнинг тўртинчи квартали ҳамда энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиз метрополитенчилари беш йиллигининг тўртинчи йилида жуда унумли меҳнат қилишди. Транспортда меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 6 процентга ўсди, планга қўшимча 3,2 миллион йўловчи ташилди. Техник тезлик 47,2 километр-соатга етказилди.

Метрополитен мутахассислари меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш борасида катта ишларни бажаришяпти. Улар бир қатор техник янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишди, тажриба-конструкторлик ва технологик янгиликлар яратилди. Натижада 140 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди. Илмий-техника тараққиётига техника ижодкорлари — рационализаторлар катта ҳисса қўшишди. Улар ишлаб чиқаришга жорий этган 240 қимматли таклиф натижасида 130 минг сўмлик фойда кўрилди.

Поездлар ҳаракатини автоматик бошқариш комплекс системаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳаракатдаги составларнинг салонларини тозалашда вакуум қурилмаси жорий этилди, ўрнатилган автоматлар яхши ишлаяпти. Подстанциялардаги совутиш ва вентиляция қурилмалари бир меъёрда ишлаяпти. 1,8 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинди.

Ер ости қасри коллективи Тошкент метро қуриш трести бинокорлари билан биргаликда метрополитен иккинчи навбатини муддатидан илгари ишга тушириш учун керакли барча чора-тадбирларни ишга солишаётир.

Мингга яқин тошкентликлар пойтахт метрополитени ходимларининг намунали ишидан мамнун бўлиб, миннатдорчилик билдиришди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров байроқларни топшириар экан, метрополитен ходимларини социалистик мусобақада қўлга киритган юксак кўрсаткичлари билан қизғин табриклади ва пойтахт темирйўлчиларининг шаҳар транспортини такомиллаштиришда яқада катта муваффақиятларга қўлга киритишга ишонч билдирди.

Метрополитен коллективида ишлаб чиқариш илғорлари жуда кўп. В. Худойбергановбошлиқ бригада СССР йўллар министрлигининг «Энг яхши бригада» фахрий унвонига сазовор бўлган. Электр механик В. Пчелицев «Ўзкасбининг устаси», электр поезд машинисти В. Бадалов, машинист ёрдамчиси С. Абдураҳмонов, комплектчи-слесарь Е. Сергеев, «Чилонзор» станциясининг навбатчиси Р. Дукас ва бошқалар ҳам ўз касбининг моҳир усталари сифатида ном тратишган.

Митингда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, метрополитен бошлиғи Ш. Шоабдураҳимов, электр поезд машинисти Л. Исматуллаев, «СССР 50 йиллиги» бекатининг бошлиғи А. Хахлина, комсомол комитетининг секретари М. Ғозиева ва бошқалар уларнинг меҳнатини юксак баҳолаганликлари учун партия ва ҳукуматимизга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этишиб, пойтахт метросини Ўзбекистоннинг энг намунали транспорт корхоналаридан бирига айлантириш учун ўз куч ва имкониятларини сафарбар этажакликлари ҳақида сўзлашди.

М. САВЕЛЬЕВ.

Тошкентнинг якшанба куни

● ЭКСКУРСИЯ

ШАРҚДА САҲИЙ ШАҲАР БОР

— Қадрли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари! Бугун биз «Тошкент— серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти» обзор экскурсиясига чиқамиз.

Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюросининг экскурсоводлари Л. Глазкова ва Т. Эрмакбоева ана шундай сўзлар билан сизни Ўзбекистон пойтахти бўйлаб уч соатли саёҳатга таклиф этишади. Сиз Тошкентнинг тарихи, бугунги куни, меъморчилик ансамбллари, маданият ёдгорликлари ҳақидаги қизиқарли ҳикояни тинглайсиз.

Бюро ходимлари 65 та мавзу бўйича обзор экскурсиялар уюштиришяпти. Уларнинг деярли ярми Тошкентга, унинг тарихи, архитектураси, музейлари ва выставкаларига бағишланган.

● МУЗЕЙЛАР

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ҲИКОЯСИ

СССР халқлари дўстлиги музейининг ходимлари эртанги кун томошабинлари учун музей бўйлаб бир неча тематик ва обзор экскурсиялар тайёрлашди.

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари «Ўзбекистон халқларининг тарихий алоқалари», «Ўзбекистон халқларининг социализм қурилишининг дастлабки йилларида қардош республикалар билан алоқаси» лекциялари билан танишишлари мумкин. Фотосуратлар ва стендлар 1966 йил зилзиласидан кейин Ўзбекистон пойтахтини тиклашда мамлакатимиз халқларининг Тошкентга кўрсатган беғараз ёрдами, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш коллективлари, колхоз ва совхозларининг бошқа республикалардаги ҳамкасблари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалари ҳақида ҳикоя қилади.

● ТЕАТР

ПРЕМЬЕРАГА КЕЛИНГ

Якшанба куни кундузи соат 11 да сиз М. Горький номидаги Давлат рус академик драма театрига келишингиз мумкин.

Яқинда бу ерда «Аэропорт» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Бу америкалик ёзувчи Артур Хейлининг шу номдаги романининг инсценировкасидир.

СУРАТДА: янги спектаклдан саҳна. Ролларда: Уезербит—артист Э. Муратов, Таня—Э. Дмитриева, Инес Герреро—Т. Аванесянц.

А. Сидякин фотоси. (ЎзТАГ).



● МЕҲМОН БЎЛИНГ

Танишинг: ёш талантлар

Ёшлар уйи қошидаги «Илҳом» ижодкор ёшлар клубида Навоий шаҳрининг етти ёш рассоми асарлари кўргазмаси очилди. 120 та расм, графика иши ва плакат ёш талантларнинг ижоди билан таништиради, уларнинг санъат соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳақида ҳикоя қилади.

Клубда мунтазам ташкил этилаётган ёшлар выставкалари ҳайкалтарошлар, графикачилар, рассомларнинг янги-янги номларини очиб беряпти. Бу ерда ташкил этилаётган учрашувларда ёшлар артистлар, архитекторлар, музакачилар, ёзувчилар билан учрашишяпти. «Илҳом» клуби ёшларнинг бўш вақтини қизиқарли ўтказиш, турли проблемаларни муҳокама қилишга ёрдам беряпти.



СУРАТДА: кўргазма томошабинлари бу ерда намойиш этилаётган асарларнинг авторлардан бири рассом Николай Лемешко билан суҳбатлашишяпти.

Ҳайвонот боғида баҳор

— Боғимиз баҳорда ўзгача файз касб этади, — дейди Тошкент ҳайвонот боғининг катта зоотехниги Иван Яковлевич Дудников. — Ҳайвонлар, паррандалар бу пайтда «жонланган» бўлади, ҳаракатга киради. Шу боисдан уларни кузатиш ғоят қизиқарли. Шу кунларда барча паррандалар ин қўйишга шошиляпти. Боғимизда «янги меҳмонлар» ҳам пайдо бўлди. Биринчи марта Тошкент ҳайвонот боғида латус—митти сигир болалади. Томошабинларни бурама шохли сарвқомат эчкилар ҳам ўзига ром этади. Боғимизнинг кўрки бўлган ана шу мағрур ва гўзал ҳайвонлар ҳам ўз оилаларини кўпайтиришди. Бир сўз билан айтганда, боғимизга келинг. Бу ерда яшовчи (яъни 300 тур атрофдаги ҳайвон ва паррандалар)нинг ҳаётидаги «янгилик»лар ҳақида сизга катта илмий ходим Ольга Геннадьевна Лебедева ва бошқа мутахассислар ҳикоя қилиб беришади.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ҲАМЗА ВА КУЙБИШЕВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР ВАХТА

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ҳамза райони саноати корхоналари мақсулот реализация қилиш бўйича 1980 йилнинг икки ойлик планини 102,3 процент, Куйбишев райони эса 101,1 процент бажардилар, ялпи мақсулот ишлаб чиқариш нисбатан 101,7 ва 101 процентни; умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати эса 110,8 ва 100,9 процентни ташкил этди.

Ҳамза райони меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,5 процент, Куйбишев райони эса 100,9 процент бажарди; меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 ва 100 процентни ташкил этди; шу билан бирга Ҳамза районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 99,1 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди. Куйбишев районида эса бу кўрсаткич мана иккинчи ойдирки нуллигича қолаяпти.

Мусобақадош районларнинг барча корхоналари асосий кўрсаткичлардан бири бўлган — маҳсулот реализация қилиш топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Бироқ, Ҳамза районидаги битта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш планини, тўртта корхона эса меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажара олмади; Куйбишев районида нисбатан иккита ва олтита корхона бундай топшириқларни уддалаолмади.

Ҳамза райони саноати шу йилнинг январь-февраль ойларида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш планини 13,6 процентга, Куйбишев райони эса 2,7 процентга ошириб бажарди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ҳамза районида 28,9 процент, Куйбишев районида 6 процент ўсди.

Ҳамза районида февраль ойи планини 23 та цех, 107 та бригада ва участка, 853 нафар ишчи, Куйбишев районида эса 9 та цех, 42 та участка ва бригада, 86 ишчи бажара олмади.

Қурилиш-монтаж ишлар плани (марказлашган молиявий манбалар — 1980 йилнинг январь ойи маълумотлари)ни Ҳамза райони 103 процент, Куйбишев райони эса 86 процент қилиб уддалади. Шу билан бирга Ҳамза ва Куйбишев районлари қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича январь ойи планини бажара олмадилар.

Шу кунларда мусобақадош районларнинг илғор меҳнат коллективларида йиғилишлар бўлиб ўтаяпти. Унда беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган Ҳамза районидаги енгил металл конструкциялари заводи коллективи ва шу корхонанинг 28 нафар меҳнат зарбдори муяссар бўлди.

«Ташсельмаш» заводида темирчи-пайвандчи-тайёрлов цехининг Александр Матвеев бошлиқ бригадаси ва механик-термо-гальваник цехининг халқ депутатлари Ҳамза район Советининг депутати Ольга Карпова бошлиқ бригадаси Ленин фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«Узгоскомсельхозтехника»нинг тажриба ремонт-механика заводининг 15 нафар пешқадам ишчисига ва шунингдек райондаги бир қатор корхоналар ишчиларига ҳам ана шундай юксак мукофот топширилди.

Куни кеча беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берган «Ташэнергострой»нинг монтаж бошқармаси қурувчилари Ленин юбилейига муносиб совға ҳозирладилар. Монтажчилар мавжуд техникадан унумли фойдаланишиб, илғор иш усулларини оқилона қўллашиб, ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида қурилиш бошқармасида меҳнат унумдорлигини 37,4 процент юксалтиришга эришдилар.

Куйбишев районидаги 3-ун заводи, мебель ойналари фабрикаси, Ўзбекистон ССР кар-соқовлар жамиятининг 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, Ленин юбилейи арафасида эришган муваффақиятларига танқидий руҳда ёндошмоқдалар.

Мусобақа якунига кўра ўтган икки ойда бир қатор меҳнат коллективлари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларини бажармадилар. Улар орасида озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-механика заводи, электромонтаж буюмлари заводи, 6-темирбетон буюмлари заводи, «Тошкентвино» комбинати (Ҳамза райони), «Ташавтоматика», трактор, газ аппаратлари заводлари (Куйбишев райони) ва бошқа корхоналар бор.

2-уйсозлик комбинати, 2-темир-бетон буюмлари заводи, трактор, 2-ёғочни қайта ишлаш, экскаватор заводларида, «Втормермет» областлараро бирлашмасида ўтган ой планларини бажаролмаган участкалар ва бригадалар мавжуд.

«Средазкабел» бирлашмаси ҳам февраль ойида бир маромда ишламади. Бу ойда ҳам корхонадаги аҳвол ўзгармади. Жумладан, март ойининг 18 кунида кабелсозлар буюмларни жўнатиш учун графикда белгиланганидан 60 та кам вагон талаб қилдилар.

Республика озиқ-овқат саноати министрлигининг тажрибамеханика заводида иш вақтининг кўп қисми йўқотилиши кузга ташланяпти. Бу ерда станоклар паркидан самарали фойдаланилмаяпти. Энг асосий сабаблардан бири меҳнатни паст даражада ташкил этилганлиги, кадрлар қўнимсизлигининг катталигидир. Бу корхонада 180 га яқин ишчи меҳнат қиляпти. Шундан 169 таси ўтган йили ишдан бўшади.

«Ташэлектромаш» заводида ҳам меҳнат интизоми даражаси паст. Ҳар тўртдан бир ишчи ишдан бўшаш ҳақида ариза бермоқда.

Меҳнат коллективларининг асосий вазифаларидан яна бири эътиборни иқтисод ва тежамкорлик масалаларига қаратишдир. Бу кураш доимий ва оммавий бўлиши зарур. Айниқса, бу пала-партишлик билан буюмлар ишлаб чиқараётган экскаватор заводи, «Энергостройиндустрия» бирлашмаси, ёғ-мой комбинати, 2 ва 6-темир-бетон буюмлари заводлари ва бошқа корхоналар учун жуда муҳимдир. Масалан, трактор заводи январь ойида мақсулот таннархини 386 минг сўмликка қимматлаштириб юборди.

Ишнинг жадал йўлга қўйилиши — хўжаликни оқилона бошқаришни, Ленин юбилейи шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ва планларни кам маблағ, ҳаражат сарфлаб, муваффақиятли бажаришни, ҳар бир меҳнат коллективидан беш йиллик жамғармасига қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришни, тежамкорлик руҳида иш юритишни талаб этади.

Шаҳрим — фахрим

СУВ ЙЎЛЛАРИ ТОЗАЛАНМОҚДА

Пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Бошқарма механизаторлари ҳозирга қадар 3,5 минг туп кўчат ва 17 минг тупдан ортиқ ялпиз тўсиқлар ўтқазишди. Бундан ташқари, довдарахтларни, шаҳарнинг яшил бойлигини ёз ойларида етарли миқдорда сув билан таъминлаш учун гидротехника иншоотларини ремонт қилиш, ирригация тармоқларини тозалаш, уларнинг сув ўтказувчанлик қобилиятини оширишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

—Ҳозирга қадар 129 километрдан ортиқ суғориш тармоқлари тозаланди, — дейди шаҳар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Р. Исаҳўжаев.— 71,4 минг куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилиб, кўпчилик каналларнинг тагидаги чиқиндилар олиб ташланди.

Чўпон ота, Чиғатой, Тўрт каналлари ва бошқа йирик каналлардаги 56 дюкер тозаланиб, 31 та сув миқдорини ўлчагич гидропостлар, 65 гидроиншоотлар ремонт қилиб бўлинди. Пойтахтимизнинг Калкоуз каналини янада ободонлаштиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Ҳозирга қадар бу йирик сув иншоотининг сув ювиб кетган қирғоқларини тиклаш ва унинг атрофини мустаҳкамлаш юзасидан 3,3 минг куб метрлик ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, шаҳардаги сув хўжалиги объектларида 440 минг сўмлик капитал ремонт ишлари амалга оширилди. Шу кунларда эса «Марказ—27» кварталидан ўтувчи Кўкча канали реконструкция қилинмоқда. Бу иншоотда 64 минг сўмлик реконструкциялаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Фурқат кўчаси тагидан ўтадиган ташлама сувларни оқизувчи Чорсу каналида қувурларни янгилаш ишлари олиб бориляпти. Бундай ободончилик ишлари Охунбобоев майдони атрофида, Хадра яқинида ҳам амалга оширилмоқда. Бу объектларда шаҳар сув хўжалиги бошқармаси «Ўзглавводстрой» трести бунёдкорлари билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Ҳаммаси бўлиб Чорсу каналида 429 минг сўмлик, Охунбобоев майдонида эса 240 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Шу кунларда сув хўжалиги бошқармасининг коллективи 1 апрелдан бошлаб пойтахтдаги барча суғориш иншоотларига сув бериш учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Анҳор ва Калкоуз каналларидан эса шаҳарнинг яшил бойлиги бўлган довдарахтларга сув бериш бошланди.

Тошкентни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида йирик ҳажмда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, шунингдек 31 минг тупдан ортиқ кўчат ва яшил тўсиқ ўтқазишга аҳд қилган шаҳар сув хўжалиги бошқармаси коллективи ёз ойларида пойтахт обиҳаёт йўлларидан етарли миқдорда сув оқишини таъминлаш учун ободонлаштириш ишларини янада авж олдиришмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.



«Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мотор тикувчи-мотористкаси Маҳмуда Жалилова доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган. Шу кунларда бу пешқадам тўқувчи вақтдан ўзиб ишлаб, келгуси йил ҳисобига маҳсулот топшириляпти.

СУРАТДА: М. Жалилова иш устида.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

ПОЙТАХТ ХАРИТАСИДА ЯНГИЛИК

«Фестиваль» кинотеатри қуриляпти

Пушкин кўчасида «Ўзбекистон» меҳмонхонаси яқинида яна бир улкан иншоот — уч залли «Фестиваль» кинотеатрининг қурилишига киришилди. Архитекторлардан С. Одилов, В. Хайрутдинов бошчилигида яратилган санъат кошонаси асосан ҳар икки йилда анъанавий тарзда Тошкентда ўтказилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалига атаб қурилмоқда. 2900 ўринли кинотеатрда кинофильмлар намойиш этиш билан бирга турли учрашувлар, танланалар ташкил этиш мумкин. Бу ерда 150 ўринли матбуот маркази, ҳужжатли фильмлар кўрсатиладиган 150 ўринли зал ҳам мавжуддир.

Иншоотни қуришда бинокорлик саноатида сўнгги пайтларда яратилган пишиқ-пухта ва кўркам материаллардан кенг кўламда фойдаланилади.

Кинотеатрнинг метрополитен, автобус, трамвай, троллейбус бекатлари яқинида барпо этилаётгани кино шинавандаларига катта қулайлик туғдиради.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУНОСИБ ҲИССА

БУДАПЕШТ. Техника ва илмий жамиятлар иттифоқининг аъзолари бўлган инженерлар ва техникларнинг 150 минг кишилик отряди фан-техника тараққиётини тезлаштиришда, Венгриянинг халқ хўжалигини янада юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда. 32 тармоқ жамиятларини бирлаштирган иттифоқ амалда табиёт фанлари, техника, шунингдек қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида иш кўрмоқда. Техника ва билим жамиятлари иттифоқи 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери юксак малакали мутахассисларнинг ижодий куч-гайратини ВХРда социализм қурилишининг конкрет вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқда.

Техника ва илмий жамиятлар иттифоқи шу беш йиллик топшириқларини бажаришга, олтинчи беш йиллик планини тайёрлашга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати, деди парламентда сўзлаган нутқида Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги министри Рао Бирендра Сингх, кейинги 60 йил мобайнидаги энг қаттиқ 1979 йилги қурғоқчилик оқибатлари билан кураш миллий программасини ишлаб чиқди. Министр табиий офат етказган ва яқиндагина ҳисоблаб чиқилган зарар маълумотларини келтириб ўтди. Аҳолиси 220 миллион кишидан иборат 11 штатда 38 миллион гектар экинзорга жиддий зиён етказилган.

Қурғоқчилик оқибатлари, деди Рао Бирендра Сингх, бу йил ҳам ўз таъсирини кўрсатади: мамлакат 1 миллион тонна дон кам олади.

Янги программага мувофиқ, марказий ҳукумат зарар кўрган районларнинг аҳолисига ёрдам тариқасида 1 миллиард 569,5 миллион рупия ажратади.

Деҳқонларга пул қарз бериш системаси таъсис этилди. Шу мақсадлар учун 765 миллион рупия ажратилди. Бундан ташқари, деҳқонлар даврлатан 2 миллион 400 минг тонна дон оладилар. Энергетика проблемасига алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳаллий маъмурларга дизель ёқилғисининг запасларидан 50 процентини қишлоқларнинг эҳтиёжлари учун ажратиш таклиф қилинди. Штатларда ҳосил қилиш а ё т г а н электр энергиясининг 60 процентини ирригация ва қишлоқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳузурида, деди Рао Бирендра Сингх, қурғоқчилик оқибатларига қарши кураш олиб борадиган махсус координацион группа ташкил қилинди.



Эфиопия ҳукумати мамлакатда саводсизликни тугатиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир бу ерда 6 миллиондан ортиқ киши саводсизликни тугатиш курсларига қатнаяпти. Мамлакатда саводсизликни тугатиш бўйича 305 минг марказ ташкил этилди.

СУРАТДА: Аддис-Абебадаги ўқув марказларидан бирида машғулот пайти.

АДН—ТАСС фотоси.

«АНТИҚА» ОПЕРАЦИЯ

НЬЮ-ЙОРК. Филадельфия университети ҳузуридаги касалхонада ҳеч қандай медицинавий зарурат бўлмаган ҳолда икки бемор операция қилинди, врачлар уларни бир-бири билан адаштириб юборадилар. Бўйин умуртқаси касали билан оғриган 54 яшар В. Эдмонсон қалқонсимон безининг бир қисмидан маҳрум бўлди, 50 ёшар А. Робинсоннинг эса қалқонсимон бези ўрнига бўйин умуртқаси операция қилинди.

«Нью-Йорк Дейли Ньюс» газетасининг ёзишича, АҚШда ҳар йили ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда 3 миллиондан ортиқ операция қилинади. Хусусий касалхоналарнинг ана шундай операциялардан оладиган даромади 4 миллиард доллардан ошмоқда.

РЎЙХАТГА КИРИТИЛДИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб амирликлари экономика ва савдо министрлиги яна 46 та чет эл компаниясини Исроилни иқтисодий бойкот қилиш рўйхатига киритди. Улар орасида АҚШ, Голландия, Япония ва бошқа бир қанча мамлакатлар бор, деб хабар беради Катар ахборот агентлиги. Айни вақтда 20 та фирма рўйхатдан чиқарилди.

Араб мамлакатлари Тель-Авивнинг агрессив доиралари босқинчилик сиёсатига қарши норозилик билдириб, исроиллик корхона эгалари билан алоқа боғлаб турган чет эл компанияларига нисбатан иқтисодий бойкот эълон қилди.

КОМИССИЯ ЮБОРИЛДИ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг жанубида қурғоқчилик ҳукм сурмоқда. Бу ерда ўтган йилнинг июль — август ойларидаги «ёнғингарчилик» мавсумида ёмғир жуда кам ёғди. Сув етишмаслигидан одамлар ва уй-ҳайвонлари азоб чекмоқда. Эфиопия янгилик агентлигининг хабар беришига кўра, сувсизликдан бир неча кишн ва салкам 8 минг бош қорамол ҳалок бўлди. Қурғоқчилик авж олган районга махсус комиссия юборилди.

Бизнинг интервью

Пенсияга чиққандан сўнг

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА БИНОАН

Мухбиримиз Тошкент шаҳар Советн ижроия комитети социал-таъминот бўлими мудири М. О. ОРИПОВА билан суҳбатлашди.

«Тошкент оқшоми» газетаси ўз мухлислардан кўплаб хатлар олмоқда. Хатларнинг муаллифлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида пенсионерлар ишини мод дии рагбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «Пенсия ёшига етгандан сўнг ишлаган лиқ учун пенсияга устама пул жорий этиш тўғрисида»ги Фармонн тўғрисида муфассал маълумот беришни сўрамоқдалар.

— Айтингчи, янги Қонун давлат пенсиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомдан нимаси билан фарқ қилади?

— Шу йил биринчи январдан кучга кирган янги Қонунда пенсионерларни халқ хўжалигида ишлашга бирмунча кенгроқ жалб этишга қаратилган бир қатор қўшимча тадбирлар ифода этилган. Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек савдо, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа корхона ва ташкилотларда тўлиқсиз иш куни шароити белгиланган.

Бундан ташқари Қонунда пенсия ёшига етгандан сўнг ишлаганлик учун пенсияга устама пул жорий этиш кўзда тутилган.

— Кўпгина газетхонлар пенсияга қўшиб бериладиган устама пул олиш ҳуқуқига кимлар эга эканликлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрамоқдалар. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Аввало, устама пул тўғрисида тўхталайлик. Ишлаётган пенсионерларга иш чоғида пенсия олиш, пенсия олмай ишни давом эттирган ҳолда пенсияни устама пул ҳисобига орттириш ҳуқуқини олишдан бирини танлаб олиш имкони берилади. Устама пул пенсия ёшига етгандан сўнгги ҳар иш йили учун ойига 10 сўм миқдорида белгиланади. Устама пулнинг ҳажми миқдори ойига 40 сўмдан, устама пул билан пенсиянинг миқдори эса, ойига 150 сўмдан ошиб кетмаслиги керак. Белгиланган бу устама пул пенсионерлар ишни тўхтатганларидан сўнггина белгиланади ва тўланади.

Бунда иш пенсионерлар томонидан пенсияга устама пул қўшиб бериш шароитини қўллаш ҳамда шу асосда пенсия тўлаш ҳуқуқини бериш тўғрисида ариза берган пайтидан бошлаб эмас, балки 1980 йил 1 январдан бошлаб ҳисоблаланади.

Бунинг учун аниқ мисол келтирамиз. Граждапка Аҳмедова га 55 сўм қарилик пенсияси белгиланган, дейлик. У шу йил 1 январдан бошлаб шаҳар касалхоналарининг бирига 70 сўм маошлик санитарка бўлиб ишга кирди. Агар у иш даврида қарилик пенсиясини олмаса, 1981 йил 1 январдан бошлаб унинг пенсияси 65 сўм бўлади, 1984 йил 1 январдан бошлаб эса 95 сўмга етади.

Яна эслатиб ўтамизки, пенсияга қўшиб бериладиган максимал 40 сўм устама пул пенсионер ишдан бўшагандан сўнггина белгиланади.

Бундай устама пулни олиш ҳуқуқига кексалиги туфайли пенсияга чиққан ҳар бир пенсионер ҳам эга бўлавермайди. Бундай ҳуқуққа пенсия ёшига етгандан сўнг меҳнат қилаётган ишчилар, (кичик хизматчилар) ва мастерлар эга бўла оладилар. Улар қаерда ишлаганликларидан қатъий назар, эндилинда ўз ихтиёрлари билан иш ҳақи ва пенсия олишлари, лекин бунда устама пул олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишлари, ёки фақат ойлик маош олишлари, бу билан пенсияга устама пул тўплашларн мумкин.

— Ишлаб турнб пенсия олиш билан боғлиқ бўлган имтиёзлар тўғрисида муфассал билишни истар эдик.

— Маълумки, янги Қонун ойлик маошдан ташқари, қарилик пенсиясини олишларни мумкин бўлган ходимлар категориясн рўйхатини янада кенгайтириб юборди. Уларнинг иш ҳақлари ва пенсияларини қўшгандаги умумий сўмма ойига 300 сўмдан ошмаслиги керак. Бундай ходимлар категориясига врачлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг врачлари, министрликлар ва маҳкамалар томонидан корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишлари (реконструкцияси) лойиҳаларн ва смета ҳужжатларини экспертиза қилувчи штат вазифасига қабул қилинган мутахассислар, «Оргтехстрой» трести, норматив-тадқиқот ташкилотлари ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш инструктажи бюролари марказларидаги илғор иш методи инструкторлари, бевосита қурилишлардаги ишлаб чиқариш бригадаларида ишловчилар киритилди.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, бухгалтерия ходимлари ҳамда контрол-ревизия бўлинмаларидаги контрол-ревизия ишлари билан шуғулланувчи ходимлар янги Қонунга мувофиқ, кексалиги туфайли белгиланган пенсиянинг 50 процентини олишлари мумкин, лекин Қонунда белгиланганидек, ойлик иш ҳақларини қўшиб ҳисоблаганда 300 сўмдан ошмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш керакки, эндилинда ҳамма хизматчилар ҳам ишлаб туриб ойга иш ҳақларини қўшиб ҳисоблаганда 150 сўм атрофида пенсия олишлари мумкин (агар улар пенсия тўлашнинг бир мунча имтиёзли ҳуқуқларига эга бўлмасалар). Бундай имконнятдан, масалан, пенсияси 80—90 сўм бўлган ва 60—70 сўмли ишда ишлаганлар фойдаланадилар. Булар — секретарлар, иш юритувчилар, чизмакашлар, машинистқалар, табелчилар, кутубхоначилар, таржимонлар, редакция, нашриёт ходимлари ва бошқа кўпгина соҳа хизматчиларидан иборатдир.

Бу йилдан бошлаб кексалик туфайли пенсияга чиққан Улуғ Ватан урушининг инвалидларига янги афзалликлар жорий этилди. Уларнинг иш жойидан қатъий назар, тайинланган пенсиянинг 100 процентини тўлаш кўзда тутилган. Бунда пенсия билан иш ҳақи қўшилиб, ойига 300 сўмдан ошмаслиги керак.

— Тўла бўлмаган иш вақти шароитларида ишлаётган пенсионерлар меҳнаткашларга берилган қандай имтиёзлар ва имкониятлардан фойдаланишлари мумкин?

—Бу ўринда ҳамма имтиёзлар ва имкониятлардан фойдаланишлари мумкин, деб айтса бўлади. Улар иш жойларида медицина хизматидан, санаторий-курортда даволанишдан, уй-жой билан таъминланишдан бирмунча юксак малакалари учун устама пул олиш ҳуқуқи ва отпуска олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Булардан ташқари, кексалик пенсиясига чиқиб корхона ва ташкилотларда моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг рухсатлари билан, касаба союз комитетларининг келишувларига мувофиқ иш ҳақи олмасдан икки ой муддатгача отпуска олиш имкониятига эгадирлар.

Яна шуни ҳам қўшиб қўйиш керакки, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда кексалик пенсиясига чиқиб ишлаётганлар қуйидагиларни эътиборга олишлари керак: ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш учун бериладиган эски нусҳадаги 25-форма 1980 йил 1 январдан ўз кучини йўқотди ва у янгиси билан алмаштирилиши керак. Шунинг учун пенсионерлар яшаб турган жойларидаги соцнал таъминот бўлимларига янги форма берилишини сўраб мурожаат қилишлари керак.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Гўштни қандай сотмоқдалар?»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 16 февраль сонида босилган материалда шаҳардаги кўпгина озиқ-овқат магазинларида Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини гўшт билан таъминлашдаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Жумладан, «Москва» гастрономидаги тартибсизликлар кўрсатилган эди.

Республика «Гастроном» конторасининг бошлиғи С. Собиров редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

Газета материали барча магазинларнинг директорлари иштирок этган йиғилишда муҳокама этилди, фактлар тасдиқланди. Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларининг аниқ рўйхати тузилди. Ҳозир бу иш нормал йўлга қўйилди. Юролмайдиган инвалидларга маҳсулот уйига етказиб берилмоқда. Хуллас, барча нуқсонлар бартараф этилиб, Ватан ҳимоячиларига савдо хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди.

«Чироқлар нега ёнмайди?»

Газетада босилган бу материалда Халқлар дўстлиги майдонидаги метро станцияси атрофи яхши ёритилмаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар кўчаларини ёритиш идорасидан олинган жавобда кўрсатилишича, айтилган жойда қисман чироқлар тикланди. Бироқ қурилиш давом этаётгани учун бу участкани тўла ёритиш имконияти бўлмайди. Қурилиш битказилгач, барча ёритиш системалари ишлай бошлайди.

«Ваъданинг чеки борми?»

Шу сарлавҳали материалда Кочубей кўчасида қурилган маиший хизмат кўрсатиш комбинати биносидаги чала ишлар борлиги танқид қилинган эди.

Шаҳар қурилиши бўйича Бош бошқармадан олинган жавобда бундай буюртмачининг ҳам айби бўлгани кўрсатилади, айни чоқда нуқсонлар бартараф этилгани маълум қилинади.

«Ўтиришга жой йўқ»

«Бешёғоч» бекатида ўтиришга жой йўқлиги кўрсатилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мулоҳазага жавоб олинди. Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидан маълум қилинишича, троллейбус бекатига ўриндиқ қўйилиб, соябон ўрнатилган.

«Хунук манзара»

Бу сарлавҳали материалга ҳам Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидан жавоб олинди. Унда «Кўкча» ариғи тозаланаётганда қирқилган дарахтларнинг ғўлалари қолгани кўрсатилган эди. Бу ғўлалар йўқотилиб, кўча текисланди.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Эзгуликнинг энг яхшиси аввалида ҳам, охирида ҳам миннат бўлмаганидир.

● Мол-дунё йиғиб қолдиришдан кўра, ҳамма ҳурмат билан ёд этадиган, унутмайдиган мақбул ва марғуб ном қолдириш яхшидир.

● Ақлли, гўзал хулқли одам бойликка эришса, такаббурланмайди, юқори даражага кўтарилса, ғурурланмайди.

● Дўстлар билан дўстларча яшамоқ учун тўғри фикрли, ихлосли, назокатли, олижаноб, вафоли ва гўзал кўринишли бўлиш лозим.

● Ўзидан кичикларга озор бериш ақлсиз одамнинг ишидир.

● Ҳар кимнинг бахтли бўлиши фақат ўз ғайрати ва орзуларига қараб бўлади, таъмагир одам — бахт-саодатни йўқ одамдир.

● Шоир Мухлис айтади:

Агар роҳат талабсан, эл аро ҳожат раво бўлгил,
Қаноат айлагил, борнинг дариғ этма ғарибдардан.

● Арасту ҳаким айтади:

— Инсон бойлик, шодлик ёки муҳтожлик ва қайғу чоғларида дўстларга муҳтождир, чунки қайғу, алам вақтида дўстлари унга тасалли бериб, қайғудан қутқазишга ҳаракат қиладилар. Бойлик ва шодлик вақтида эса, дўстининг шодлигига қўшилиб улар ҳам шодланадилар.

● Шайх Саъдий айтади:

ҲИКОЯТ:— Бир подшоҳ муҳим, жуда зарур бир иш тўғрисида ташвишланиб:

— Агар шу иш яхши натижа бериб ташвишдан қутилсам, зоҳидларга, яъни диёнатли кишиларга бир қанча пул назр этиб бераман, — деб кўнглидан ўтказди. Иш яхшиликча ҳал бўлди. Подшоҳ ташвишдан қутилгач, назрига вафо қилиш учун бир халта пулни хизматчиларидан бирига бериб:

— Бу халтадаги пулларни зоҳидларга улашиб бер,— деди. Хизматчи ақлли, ҳушёр одам эди. Кун бўйи шаҳарни айланиб юриб, қайтиб келди-да халтани подшоҳга тақдим қилиб:

— Шаҳарни бутун кун айланиб юриб бironта ҳам зоҳидни топмадим,— деди.

Подшоҳ таажжубланиб:

— Нега бундай дейсан? Бу шаҳарда тўрт юз зоҳид борлигини биламан,— деди.

Ақлли хизматчи:

— Чин зоҳид, диёнатли одам назр-ниёзни қабул қилмайди, бошқаларнинг қўлларига, чўнтакларига кўз тикмайди. Шаҳарда ҳақиқий зоҳидларни топмаганим учун ноилож ҳузурингизга қайтиб келдим,— деб жавоб берди.

Подшоҳ унинг сўзидан хаҳолаб кулиб ёнида ўтирган суҳбатдошларига:

— Мен дарвеш, зоҳид одамларни ҳурмат этаман, бу хизматчим ҳамма зоҳидларни бирдек кўрмайди, ёлғончи зоҳидларни зоҳид деб атамайди. У бу даъвосида ҳақлидир. Ҳақиқат унинг тарафида,— деди.

Сезгир Маъмунаррашид

ҲИКОЯТ:— Қадимги арабларнинг «Аббосия давлати» халифаларидан машҳур Ҳорунаррашиднинг ўғли Маъмунаррашид кичик болалик вақтида ҳам жуда заковатли, зийрак эди. Ҳорунаррашид ўғлини Касоий номли атоқли олимга бериб ўқиттирди. Касоийнинг шундай бир одати бор эди: Маъмун ўқиркан, у бошини қуйи солиб, жим ўтириб тингларди. Агар Маъмун бирор жумлани янглиш ўқиса, бошини кўтариб унинг юзига қараб қўярди. Маъмун янглиш ўқиганини сезиб, жумлани қайтадан ўқиб тўғриларди.

Кунлардан бир кун Ҳоруннаррашиднинг ўғли Маъмунаррашид ўқир, муаллим одати бўйича бошини қуйи солиб тингларди. Маъмун: «Эй мўътамилар, бажариш қўлингиздан келмаган ишга нега ваъда берасиз?» деган мазмундаги жумлани ўқигач, муаллим бошини кўтариб унинг юзига қараб қўйди. Маъмун: «Янглиш ўқиган бўлсам керак», деб жумлани қайтадан ўқиди, муаллим яна унинг юзига қараб қўйди. Зийрак Маъмун муаллимнинг муродини сезди, индамай ўқиб битиришга киришди.

Маъмунаррашид дарсдан кейин дарров отасининг ёнига бориб:

— Отажон, сиз муаллимимга бирор нарса ваъда қилганмидингиз? Ваъда қилган бўлсангиз, вафо қилинг,— деди.

Ҳорунаррашид:

— Тўғри, муаллимнинг менда бир нарсани сўраганди, мен ваъда қилгандим, лекин берган ваъдам эсимдан чиқиб кетган. Шу тўғрида муаллимнинг сенга бир нарса айтдими?— деб сўради.

Маъмун отасига:

— Берган ваъдангиз ҳақида муаллимим ҳеч бир сўзламади, лекин жумлани тўғри ўқисам ҳам бошини кўтариб менга қарағанидан сезиб, жумлани қайтадан ўқиб тўғриладим, шунинг учун муаллимим менга ваъда берган нарсангизни сўраган эканлар,— деб жавоб берди ва бутун воқеани айтиб берди.

Ҳорунаррашид ўғлининг бу қадар ўткир заковатга, сезгирликка эга бўлганидан ҳурсанд бўлди, Дарҳол Касоийни чақириб олиб, унга кўп илтифот кўрсатди, берган ваъдасини бажо келтирди.

БАЙТ:

Вафо ваъданга айла, сўз билан феълингда содиқ бўл,
Мунофиқлик нишонидир кишида ваъда ёлғонлик.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

БУ-КИЗИК

ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА НИМА БИЛАМИЗ?

Одамнинг танасида 100—160 миллиардгача ўта майда қон томирлари мавжуд. Уларнинг узунлиги 60—80 минг километрга тенг. Мабодо ҳар қайси одамнинг қон томирлари уланса, у ҳолда экваторни бир неча марта ўраб чиқса бўлади.

* * *

Одам ҳар нафас олганида тахминан 0,5 литр ҳаво ютади. Бир минутда ўрта ҳисобда 18 марта нафас олишимизни ҳисоблаб кўрсак, у ҳолда бир суткада одам ўз ўпкасидан 13 минг литр ҳаво ўтказади. Бир литр ҳавонинг оғирлиги 1,2 грамм келади. Демак, ҳар суткада одам ўпкасидан 14 килограмм ҳаво ўтади.

* * *

Инсон организмида 29 хил турли кимёвий элементлар борлиги аниқланган. Ўрта бўйли одам танасида 40 килограмм кислород, 20 килограмм карбон, 7 килограмм водород, 5 килограмм азот, кальций, 1 килограмм фосфор, шунингдек хлор, олтин-гугурт, натрий, калий, магний ва бошқа моддалар мавжуддир.

* * *

Кўзнинг шишасимон танасининг 99 фонизини сув ташкил этади. Тишнинг эмаль пардасида эса фақат 0,2 процент сув мавжуд.

Кўзимиз 150 хил рангни ажрата олади. Машқ қилинса, рангнинг 100 мингдан ортиқ тусини фарқлай олишга эришса бўлади.

* * *


Соғлом киши бир кунда тахминан 20 минг, бир йил мобайнида 7 миллион, 70 ёшга киргунча эса 500 миллионгача қадам босади. Бу — Ердан Ойгача бўлган масофага тенг.

* * *

Инсон ўртача 70 йил умр кўрса, шундан 23 йилини ухлашга, 13 йилини кишилар билан сўзлашишга, 6 йилини эса овқатланишга сарфлайди.

* * *

Инсон ҳар суткада ҳаводан 750 литр кислород ютиб, 675 литр карбонат ангидрид гази чиқаради. Бир йилда салкам 7 килограмм ош тузи истеъмол этади.



Шаҳримизда тарихий обидалар кўз қорачўғидек авайлаб сақланади. Шундай обидалардан бири бадиий буюмлар фабрикаси ҳовлисига жойлашган Қалдиргочбек мақбарасидир.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

АВТОМАТИК РЕЖИМДА

Программа бўйича бошқариладиган ТГПС-3 моделли станок трубани исталган йўналишда бука олади. У автомобилсозлик ва тракторсозликда, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда қўл келади. Станок исталган радиусда букадиган универсал асбобли букиш каллагига заготовкани турли киритиш принципи бўйича ишлайди. Шундай қилиб диаметри 50 мм гача бўлган заготовкалардан трубопровод ва мураккаб шаклли трубасимон иситгичлар, мебелларнинг деталлари, қурилиш ва қўйиш арматураси ва турли спираллар ясаш мумкин. Илгари бундай натижага бир неча станокда эришиш мумкин эди.

ТГПС да барча заготовка битта операцияда ва автоматик режимда ишланади.

Т. ҲОШИМОВА.

Шанба оқшоми

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН
● ҲАММАГА МАНЗУР СОВҒАЛАР
● БУРГУТ — ЖАСОРАТ РАМЗИ
● АЖОИИБОТЛАР

Ҳар тўғрида

Балиқлар тангаси

Балиқларнинг тангаси улар учун ўзига хос «паспорт» вазифасини ўтайди. Мутахассислар танганинг устки қавatини текшириб, балиқ неча ёшда эканлигини, шу вақтгача у оч-наҳор яшаганми ёки «егани олдида, емагани кетида» бўлганлигини, болалари бор-йўқлигини аниқ айтиб беришади.


Шохларнинг хосияти

Қўчқор, кийик, буқаларга шохнинг нима кераги бор, деб ўйларсиз. Савлатгами ёки рақибларини сузишгами? Ҳа, уларнинг шохи ҳам савлат, ҳам ваҳимали қурол! Лекин бугина эмас. Бу ҳайвонлар шохининг хосияти катта: иссиқ кунларда қон кўпайганда томирдаги ортиқча ҳароратни ҳавога чиқаради, совуқ тушганда эса шохдаги томирлар торайиб, энг керакли «қувватни» сақлаб туради. Қодир табиат бу ҳайвонларга шохни шунинг учун берган экан.

Заҳардан чиниққанлар

Машҳур ғаза эҳромларидан унча узоқ бўлмаган Абу Равшан қишлоғининг аҳолиси салкам бир асрдан буён жаҳоннинг турли мамлакатларига заҳарли илон ва чаёнлар етказиб бериш билан шуғулланади. Вақт ўтиши мобайнида бу иш билан шуғулланувчилар вужудида заҳарга қарши иммунитет ҳосил бўлган. Шу сабабли ҳеч ним ҳозиргача Ауб Равшан аҳолисидан бирор нишининг илон ёки чаён заҳаридан ўлганини эшитмаган.

«ОҚШОМ»НИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИ



КИНОФЕСТИВАЛГА АТАБ

«Сувенир» фабрикаси Тошкентда ўтказилаётган Халқаро кинофестивалга атаб совға буюмлари тайёрлаш одат тусига айланиб қолди. Бунинг боиси корхона маҳсулоти уч қитъа кино санъати ижодкорларига жуда манзур бўлмоқда.

Айни кунларда фабрика бош конвейеридан яқинда Тошкентда бўладиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI Халқаро кинофестивалига атаб, киноанжуманни эмблемаси қўйилган тўрт хил сувенир тушириб олинмоқда. Булар ёзув приборлари ва суякдан ишланган тўрли совға буюмларидир. Буюмларга туширилган ер курраснни ўраб олган кинолентага «Тошкент-80» ёзадилик сўзи ёзилган. Ёзув приборидан 300 та ва бошқа буюмлардан ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: ёзув прибори.



АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИГА

Фабриканинг рассомлари Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Синонинг юбилейига бағишлаб совға буюмлари нусхасини яратган эдилар. Энди ликда ана шу буюмлар — безакли қаламдон, китобча гилофлари, турли хил вазалар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, митти вазалардан 50 та ва бошқа буюмлардан кўплаб тайёрланяпти.

СУРАТДА: митти ваза (суратда катталаштирилган).

Паррандалар орасида бургутга кўпдан-кўп таърифлар берилган. У ҳамиша жасорат, садоқат, довюраклик, чаққонлик рамзи сифатида тилга олинади.

Дарҳақиқат, бургутга берилган барча бу белгилар унда мужассамлашган. Баланд тоғ чўққиларида, денгиз сатҳидан уч минг метр баландликка ошён қурган тоғ бургути ҳам, саҳро ва чўлларда яшовчи чўл бургути ҳам ўз яшаш хусусияти ва тирикчилигига кўра бир хил. Иккала хилдаги бургут ҳам турли ҳайвонларни овлайди, одамдан узоқроққа ин қуради, иккитадан ортиқ бола очмайди. Ҳамиша нари билан модаси бир-бирига садоқатли, қишин-ёзин иккаласи бирга яшайди. Бунинг устига кўп йиллар мобайнида бир инда, бир территорияда бола очади. Тухумини иккаласи навбатма-навбат босиб, иккаласи баробар бола боқади, учирма қилади.

Бургут қадимдан кнсоннинг хизматчиси. Уни бобокалонларимиз бундан минг йиллар муқаддам овга ўргатишган.

Қирғизистоннинг Ўзган районидаги Қоракўлжа қишлоғида ёши саксондан ошган Эрмек исмли мўйсафид яшайди. Қачон қараманг, унн от устида эгарнинг қошига бургутни кўндириб юриш ҳолда кўрасиз. Етмиш йилдирки, унинг ҳунари бургут билан ов қилиш. Бу касбни отасидан, отаси бобосидан ўрганган. Эрмек оғанинг болалари, невaралари ҳам бургут овига ишқибоз. Бу оила овчилари ўнлаб бургутларни овга ўргатишган. Улар юзлаб тулки, қуён, каклик, кийикларни, ўнлаб бўриларни овлашган. Қанчадан-қанча жамоат молларини бўриларга ем бўлишдан сақлаб қолган.

— Бургутга қизиққан одам унга бутун вақтини, меҳрини сарфлаши зарур,— дейди Эрмек оға,—чунки бургут — нозик қуш. Сал эътиборсиз қолган кишини ҳижолат қилиб қўйиши мумкин. У ғазабланганда ўзига озор берган кишидан ўч олиш, уни нобуд қилишдан ҳам тоймайди. Озор бергани учун эгасининг кўзини ўйиб олган бургут ҳақида бобом қиқоя қилиб берган...

Бургут асосан ёшлигида ўргатилади. Уни ўргатиш одамдан ниҳоятда чидам ва абжирлик талаб қилади.

Бургутлар баъзан боласини ҳимоя қилиш ёки овини чўчитган кимсадан ўч олиш учун ўзидан кучлиларга ҳам ташланиши мумкин. Олтмишинчи йилларнинг бошида маҳаллий ва марказий газеталарда Ўш аэродромидан кўтарилган самолётга иккита бургут ҳужум қилиб, ойнани синдиргани ва самолётни жароҳатлаб, ерга қўнишга мажбур қилгани ҳақида хабар беришган. Бундай воқеалар Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ҳам бўлган.

Баланд тоғ чўққилари устида парвоз қилиш, ҳаво қатламн қаршилигини тезлик билан ёриб ўтиш учун куч керак. Бундай кучни бургутга икки метрга етадиган қанотлари беради. Унинг ўткир тумшуғи, қиличдек кескир тирноқлари билан бақувват оёқлари, умуман чиниққан чайир гавдаси ўз ўлжасини қўлга киритишни таъминлайди, кўзлари эса жуда узоқдан ҳам ўзига керакли жониворларни кўришга қодир.

Бургутлар болаларини ёшликдан абжирликка ўргатишади. Темир қанот бургутчалар учишга ҳаракат қилиб, ин четига кела бошлаганидан кейин она ва ота бургут уларни тумшуғида кўтариб баландга парвоз қилишади. Зарур тепаликка чиқилгач, жўжаларни пастга ташлаб юборишади. Ерга тушишга яқинлашганда бургутчаларнни тутиб олиб, яна баландга кўтаришади. То бургутчалар мустақил парвоз этишга ўргангунларига қадар бундай машқ давом этади. Шу тариқа бургутчалар чиниқтирилади.

Бургутлар йиртқич ҳисоблансалар-да, майда паррандаларга нисбатан раҳимдил бўлишади. Бургут ининнинг орасида чумчуқ, зағча сингари майда қушлар ин қуриб бола очадилар, бургутлар ҳимоясида ўзларининг кушандаларидан сақланадилар. Бу нарса айниқса, қозогистонлик киночилар ойлар мобайнида пистирмада ётиб, бургутлар ҳаётини кинога олишганда аниқ бўлди.

Республикамизнинг барча тоғли ва саҳро районларида тўқ қунғир қанотларини кўз-кўз қилиб учадиган бургутлар тез-тез учраб турса-да, уларнинг яшаш хусусиятлари ҳали тўла ўрганилмаган.

Қизилқумда бургутлар хонаки эчки, типратикан, жайрон, юмронқозиқ, қумсичқон, тувалоқ ва какликларга чап солса, тоғларда суғур, тулки, баъзан ёлғиз қолган кўзи, ўлимтиклар билан тирикчилик қилишади. Бургутлар қишда ов излаб, одамларга яқинроқ жойларга келишлари ҳам мумкин.


Кейинги йилларда кўпчилик ерлар ўзлаштирилиши туфайли бургутлар камайиб кетмоқда. Улар йиртқич ҳисобланишлар и д а н қатъий назар, кемирувчи зараркунандаларни қиришлари билан халқ хўжалигига катта фойда келтирадилар. Шу туфайли бургут «СССР Қизил китобига киритилган.

Х. ҲАКИМОВ.

«Қизил китоб»га битилган ПАРВОЗИ САМОЛАРДА

ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

«НАВБАҲОР» ЧАЙНВОРДИ



1. Баҳорнинг энг биринчи қуши. 2. Шоир Муқимий ғазали. 3. Эртаги экин. 4. Сув чиншооти. 5. Ёмғир ўсимлиги. 6. Баҳор байрами. 7. Ўсимлик. 8. Ҳамид Олимжоннинг баҳор фаслини мадҳ этган шеърий тўплами. 9. Деҳқончилик экини.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ.

15 МАРТДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Бўйига: 1. Этика. 2. Арена. 3. «Арена». 4. Майна. 5. «Атака». 6. Альфа. 7. Эвара. 8. Умида. 9. Прага.

Энига: 10. Вирус. 11. Питон. 12. Корея. 13. Хурмо. 14. Темза. 15. Эмаль. 16. Взвод. 17. Олтой. 18. Голом.

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга А. Орипов, А. Аюбов, Ҳ. Ҳамидов, Р. Аҳмедова, Э. Эшев, К. Садиров, М. Оқилов, Ш. Одилбекова ўртоқлар тўғри жавоб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТАХМИН НОТЎҒРИ ЧИҚДИ

Олимпиада саҳифасидан

1912 йилда Стокгольмда бўлган V Олимпида ўйинлари программасига биринчи марта беш минг ва ўн минг метрга югуриш, 4х100 ва 4х400 метр масофага эстафетали югуриш беллашувлари киритилди. Беш минг метр масофага ўтказилган финал беллашуви айниқса ҳаяжонли бўлди. Ғолиблик учун кураш финляндиялик спортчи Ханнес Колехмайнен ва французиялик спортчи Жан Буэн ўртасида борди. Ж. Буэн саралаш мусобақаларида жаҳон рекордини якунлашга эришган эди. Шу боисдан ҳам мутахассислар ва журналистлар бу спортчининг финал беллашувида ғолиб чиқишига тўла ишонишарди. Улар ўз газеталарига «Эртага фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига французиялик спортчи Ж. Буэн кўтарилади» деб хабар беришди. Бироқ, беллашув пайтида бу тахмин оқланмади.

Ҳар икки спортчи бир вақтда старгга чиқди. Дастлабки минутдан бошлаб французиялик спортчи олдинга ўтиб олди. Тўртинчи километрга борганда бу икки бошқалардан деярли 200 метр олдинга ўтиб кетишган эди. Улар деярли тенг югуриб боришарди. Бироқ, маррага 20 метр масофа қолганда Колехмайнен катта ирода ишлатиб, рақибидан олдинга ўтиб кетишга муваффақ бўлди. У бундан бир кун олдин ўрнатилган жаҳон рекордини бирданига 30 секундга яхшилашга эришди.

Финляндиялик спортчи 10 минг метр масофага ўтказилган пойгада ҳам янги жаҳон рекордини ўрнатди. Шунингдек, у 8 километр масофага ўтказилган беллашувда ғолиб чиққанлиги учун ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

ҚАЛАМДОНДА— ҚУВНОҚ АЙИҚЧА

Ҳозирги кунда «Москва-80» Олимпиадасининг фахрий рамзи — қувноқ айиқча туширилган буюмларни кўплаб ўчратиш мумкин. Корхонанинг бир қатор буюмлари ҳам ана шу Москва Олимпиадасига бағишланган. Бир-биридан чиройли, ўйинқарлик усулида ишланган конуссимон ваза ва қаламдонларга қувноқ айиқчанинг акси туширилган. Коллектив олимпиаданинг очилишига қадар бундай буюмлардан бир неча минг сўмлигини реализация қилади.

СУРАТДА: қувноқ айиқчанинг акси туширилган қаламдон.



Х. Мирзакаримов фотолари.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Қийин эмас

— Кўзимни юмиб, Чопа оламан. Бекинсангиз-чи, Топа оламан.

— Қандай чопасаи, Қандай чопасан! Кўзингни юмиб, Қандай топасан!

— Бу қийин эмас, Бу қийин эмас. Кўзим оз-ги-на, Очиқ турса бас.

Ҳабиб РАҲМАТ.

Уй-рўзғор ташвишида

СУМКАНИ БЎЯСА БЎЛАДИМИ?

Магазин пештахталарини, жавонларини безатиб турган кўпгина чарм буюмлар, сумка, портфель ва ҳоказоларни сотиб олгингиз келади. Баъзан унинг ранги дидингизга ёқмай қолиши ҳам мумкин. Уни истаган рангга бўяб олишнинг иложи борми? Сунъий ёки табиий чармдан тайёрланган буюмлар — сумка, портфель, оёқ кийимлари, курткаларни Иттифоқимиз саноати ишлаб чиқараётган ҳар хил бўёқ ва эмаллар ёрдамида қайта бўяш мумкин. Буларга мисол тариқасида «Экстра» номли терини бўяш учун ишлатиладиган бўёқни, «НЦ-36» оқ, қизил, қора ва жигар рангли эмални ҳамда оқ, қора ва жигар рангли тери учун аэрозол упаковкасидаги нитроэмални ишлатса бўлади.

Бўялиши зарур бўлган нарсанинг юзаси олдин кир-чирлардан тозаланиши керак. Бунинг учун юзани ацетон ёки «КР-36» маркали суюлтирувчи препарат билан пахта ёрдамида яхшилаб артилади. Сўнгра тозаланган буюмни бўяса бўлади.

Бўёвчи препарат агар аэрозол типида бўлганда, бўёғдан буюмни ундан тахминан 15—20 сантиметр масофада ушлаб туриш керак. Тез-тез ҳаракат қилиб, юзанинг ҳамма жойига бўёқ бир текис ёйилишини таъминлаш лозим. Юзанинг ҳамма қисмини бир марта бўяб чиққач, 10—15 минут давомида қуритиш керак. Шу усулда бир неча марта бўяладн. Ҳар сафар бўяганда бўёқ бир текис тарқалишига диққат қилиш лозим. Охирги куришда бир соат вақт кифоя қилади. Агар буюм юзасида бўёқнинг ёйилиб қолган томчиларн қолса, уни 646-номерли эритувчи ёки «КР—36» маркали суюлтирувчи билан йўқотиш мумкин.

«Экстра» бўёғи билан чўтка, пахта ёки сачратқич ёрдамида буюмнинг юзаси бўялади. Бунда ҳам иккн-уч қават бўялади. Ҳар квадрат метр юзага тахминан 80—100 грамм препарат сарф бўлади. Ҳар соатда бир қаватдан бўялиб, бўялган юза камида бир сутка давомида қуритилади. Бундан ташқари, нитроцеллюлозадан тайёрланган эмаль ёрдамида ҳам бўяш мумкин. Бунда юза бир оз ялтирок бўлади. Аммо чарм нарсани қайиштириш, букиш пайтида у синади. шунинг учун вақт ўтиши билан яна бўяшга тўғри келади.

А. ИКРОМОВ, инженер.



— Яхшн йигит, беш кило ёғингиздан берасизми?



— Турнинг дадаси, тонг ёришиб кетди-ку.

— Бугун ишга боролмайман, кеча кўп «отиб» қўйганаканман.



— Ош жуда ачиқ бўлибди-ку, амаки.

— Ҳа, напгирга келинойингнинг тили теккан бўлса керак.



— Секин тежажингиз азизим, қитиғим бор.

Е. ОДИЛОВ чизган расмлар.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ЖОНУЗОҚОВ, К. ХОЛХУЖАЕВ: **Бизлар заводда меҳнат қиламиз. Баъзи пайтнинг ишдан ташқари ишларни бажаришга ҳам тўғри келиб қолади. Айтингчи, ишчи ва хизматчиларнинг ишдан ташқари бажарадиган иши чекланадими?**

Жавоб: Иш соатларидан ташқари бажариладиган ишлар вақти чекланади. Ҳар бир ишчи ёки хизматчининг иш соатларидан ташқари бажарадиган иши йилига 120 соатдан, икки кун қаторасига бажарадигани эса тўрт соатдан ошмаслиги лозим. Ҳомиладор аёлларни, бола эмизадиган оналарни, жумладан, болаларга сутли омухталар бераётган оналарни, вояга етмаган ўсмирларни, ишчи-ёшлар мактабининг ўқувчиларини, иш соатларидан ташқари ишлашдан озод қилиш тўғрисида ВТЭКдан хулоса олган инвалидларни, сил хасталигининг актив формаси билан оғриётган беморларни иш соатларидан ташқари ишлашга қолдирш мутлақо мумкин эмас.

∴ ∴ ∴

У. ЗИЯЕВ, М. ДЕҲҚОНОВА ва бошқалар: **Бизларни бир масала қизиқтиради: Айтингчи, болаларни доимий тарбияга олган шахсларнинг уларга таъминот бериш мажбурияти қандай?**

Жавоб: Вояга етмаган болаларни доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар кейинчалик уларни тарбиялаш ва таъминлашдан бош тортсалар ва болаларнинг ота-онаси бўлмаса ёки улар ўз ота-оналаридан таъминот учун етарли маблағ ололмасалар, бундай болаларга таъминот бериш мажбурияти уларни доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Болани доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар кейинчалик уни тарбиялаш ва уни таъминлашдан бош тортсалар, агарда тарбияда бўлган бола вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлса ҳамда ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёҳуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, унга нисбатан ҳам бу мажбурият болани доимий тарбияга олган шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила Кодекси 116-моддасида назарда тутилган юқоридаги мажбурият васий ёки ҳомий сифатида болаларни тарбиялаган шахсларга, шунингдек ушбу Кодекснинг 208-моддасида кўрсатилган тартибда болаларни тарбиялаш учун олган шахсларга юклатилмайди.

∴ ∴ ∴

Р. КАРИМОВ: **Электрон қўл соатларини ремонт қиладиган устахона адресини берсангиз.**

Жавоб: «Техсложбитприбор» бирлашмаси қабул пунктларида электрон қўл соатлари ҳам ремонт қилинади. Бу бирлашма Весна кўчаси, 223-уйда жойлашган. Шу ҳақдаги қўшимча маълумотларни 91-08-84 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб билиб олсангиз бўлади.

∴ ∴ ∴

Х. ҒАФФОРОВА: **Мен кечки ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Бундай билим юртларига кирган ўқувчиларга қандай имтиёзлар берилиши ҳақида билмоқчи эдим. Илтимосимни бажарсангиз.**

Жавоб: Ишлаб чиқаришдан бевосита ажралмаган ҳолда кечки (сменали) ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган ишчиларнинг имтиҳонга тайёргарлик кўриши ва уларни топшириши учун улар бир йил ҳисобидан 30 иш кунига ишдан озод этиладилар. Бундай ҳолларда ишчиларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг 50 процентн сақланиб қолади.

физкультура ва СПОРТ

• *Спортчилар ҳақида ҳикоялар*

Умидли шахматчи

Етти ёшида шахмат ўйнай билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ильдус шу ёшда тузуккина шахмат ўйнай оладиган бўлди.

Акалари билан тез-тез шахмат ўйнаб туриши спортнинг бу турига қизиқишини орттира бошлади. Худди шу нарса уни Ургенч шаҳар пионерлар уйига етаклади. Аввалига у яхши ўйин кўрсата олмади, мусобақаларда охирги ўринни эгаллади. Бироқ Ильдус чўчимади, ишончсизликка тушмади, иродасини қўлга олди.

Энди у мусобақаларда мунтазам қатнаша бошлади. Доимо пешқадамлар сафидан жой олиш, пухта комбинациялар ишлатиш тренерларнинг эътиборини тортди.

Йиллар ўтиши билан маҳорат пиллапоясидан юқори кўтарила бошлади. Ғалабалар келажакка ишонч билан қараш, йирик мусобақаларда дадил дона суришга даъват этди. У 1976 йилда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан ўтказилган шахмат биринчилик баҳсларида чиройли ўйин кўрсатиб, чемпион номини қўлга киритди. Шундан кейин у республика ёшлар терма командаси сафига қабул қилинди. 1977 йили Сочида бўлиб ўтган «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль олишга сазовор бўлди.

И. Адамбоев ўтган йили «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг шахмат бўйича ўтказилган республика биринчилигида яна голиб унвонини қўлга киритди.

Тошкент Давлат университети журналистика факультети жойлашган корпус коридори бўйлаб ўтгудек бўлсангиз, у ерда истараси иссиқ йигитнинг суратига кўзингиз тушади. Бу факультетнинг иккинчи курс студенти И. Адамбоевнинг сурати. У фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга севимли машғулоти бўлган шахмат сирларини ўрганишни ҳам давом эттирмоқда. Бу соҳадаги ютуқлари ҳам чакки эмас. Республика биринчилигининг олий лигаси составида чемпионатга тайёргарлик кўрмоқда.

Д. ХОЛМИРЗАЕВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.



Тошкентдаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тўрт юздан зиёд ўсмир бокс билан шуғулланади. Тренерлар уларни чидамли, чаққон, иродали боксчи қилиб тарбиялаш учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

СУРАТДА: Тошкентдаги 184-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Саша Сергеев навбатдаги машғулот пайтида.

А. Рисқиев фотоси, (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

КУТАРИНКИ РУҲДА

«Бинокор» навбатдаги икки учрашувни ўз майдонида Пермь шаҳрининг «Молот» командаси билан ўтказди. Дастлабки кунги учрашувда кучлар тенг келди — 3:3. Такрорий учрашув ҳам кескин кураш вазиятида ўтди. Командалар майдонда шиддатли ҳужум уюштириш, қандай бўлмасин ғалабани қўлга киритишга ҳаракат қилдилар.

Ўйин тақдири учинчи бўлимда ҳал бўлди. Бинокорчилар 4:3 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шундай қилиб, мавсумни жуда суст бошлаган ҳамшаҳарларимиз сўнгги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, биринчи лигада қолиш учун етарли бўлган очколарни тўплашга муваффақ бўлишди.

МЕҲМОНЛАРНИНГ ҚУЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида яқинда фойдаланишга топширилган ўқ отиш тирида камондан отиш бўйича «Спартак» кўнгилли спорт жамияти республика Советининг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Турнирда Бурятия спортчилари ҳам иштирок этдилар. Команда ҳисобида биринчи ўринни меҳмонлар қўлга киритишди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Тошкент Давлат университетининг спорт павильонида олти кун давомида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти область Советининг бокс бўйича шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Голиблик учун бўлган беллашувларда республикамиз пойтахтидаги ўн бир олий ўқув юртидан 90 спортчи қатнашди.

Команда ҳисобида биринчи ўринни университет боксчилари қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни политехника институти, учинчи ўринни эса халқ хўжалиги институтининг командалари эгаллади. Физкультура институтининг боксчилари эса олтинчи ўрин билан кифояланишди.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/III да **Тирик мурда**, 23/III да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/III да **Сув келтирган азиз**, 23/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/III да **Ишқ қурбонлари** (19.00), 23/III да **Можаро** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 22/III дан бошлаб ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида **«ШЕРЛАР ОРАСИДА»** аттракциони иштирокида **«ЧЕБУРАШКА ВА ТИМСОҲ ГЕНАНИНГ ЦИРКДАГИ ҒАРОИБ САРГУЗАШТЛАРИ»** болалар учун қувноқ томошалар (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

22 МАРТДА

КИНОЛЕНИННОМА

«ИНҚИЛОБ ПОЕЗДИ»— **Искра** (19.45).

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (20.00).

«АППАССИОНАТА» — **Дружба** (20.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРТАЛАБКИ КУРИК»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда. телефон 53-65-87).

«КУЗГИ МАРАФОН»— **Искра** (16, 18, 19.45).

23 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АФСОНАВИЙ ПРЕСНЯ»—**Тинчлик.**

«БУ ЕРДА ЛЕНИН ЯШАГАН»— **«Фестиваль»** (11.00)

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН», «ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — **Навоий номли.**

«ИНҚИЛОБ САРКАРДАСИ»— **Пионер.**

КИНОЛЕНИННОМА

«РЕВЕЛЛИК АВГУСТ» — **Искра** (14.00).

«ИНҚИЛОБ ПОЕЗДИ»— **Искра** (19.45).

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР» **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (20.00).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЗИН»— **Москва** (13.00).

«АППАССИОНАТА» — **Дружба** (20.00).

«НЕВА ЧЕҒАРАСИ» — **Ҳамза номли** (16.00).

«УМИД» — **Нукус** (10.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРТАЛАБКИ КУРИК»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«КУЗГИ МАРАФОН» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«Главташкентстрой»га қарашли 12-умумий қурилиш трестининг ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН 50-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

дурадгорлар, бетончилар, ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, монтажчилар, ёрдамчи ишчилар. (Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли), **ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, кассир**

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

* * *

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИГА

сметачи-сантехниклар, лойиҳачи-қурувчилар, сметачи-қурувчилар, ишчилар, ўрта маълумотли йигит-қизлар

КЕРАК

* * *

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига

КАТТА БУХГАЛТЕР-РЕВИЗОРЛАР

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

ҲАРАКАТ ХИЗМАТИ


диспетчер, ҳаракат ревизорлари, радиоаппаратуралар ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарлар, электр штамп-соатлар ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарлар, электромонтёрларни тайёрлайдиган

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 12-уй, кадрлар бўлими.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
Ленинград давлат муз устида балетининг
ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:
ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:
XI Олимпиада ўйинларининг ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери
Людмила СМИРНОВА
XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери
Алексей УЛАНОВ
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар:
Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА.
Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.
Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.
Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.
46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ
коммутатор цехида ишлаш учун
ТЕЛЕФОНИСТКАЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН
ДОИМИЙ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, ТОШКЕНТДА ПРОПИСКАДА ТУРАДИГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 60 сўмдан стипендия тўланади.

Қабул қилинганлар 6 соатлик иш куни ва 18 кунлик отпускадан, тунги пайтда арзонлаштирилган ва текин таомдан фойдаланадилар. Тунги сменада ишловчиларни уйларига олтиб қўйиш таъминланади.

Хоҳлаганлар алоқа техникумлари ёки институтда сиртдан ўқишлари мумкин.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТУЗИЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), ишловчилар учун — меҳнат дафтарчаси, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими. Телефон 44-34-34.

ТЕЗПИШАР ҚУЙМОҚ

ЮМШОҚ, МАЗАЛИ ҚУЙМОҚНИ КИМНИНГ ИШТАҲА БИЛАН ЕГИСИ КЕЛМАЙДИ ДЕЙСИЗ?

Ўйлаймизки, бу саволга: ҳамма қуймоқни яхши кўради, деган жавоб олиш мумкин.

Қуймоқларни турли хил усулла —буғдой ёки гречка унидан хамирни оширибми, оширмасдан, яъни «тезпишар» усулла тайёрланади, буғдой унидан «украинча» қуймоқ тайёрланади ва ҳоказо.

Қуймоқ қиймали, балиқ — қиймали, гуручга тухум, сузма, олма аралаштириб тайёрланади.

Қуймоқни дастурхонга қайноққина ҳолда сарёғ, қаймоқ, асал ёки шакар билан тортилади.

Уй бекалари қуймоқ аралаштириб ўз билгиларича истаган таомларини тайёрлашлари мумкин, бу уларнинг изланишларига боғлиқ...

АГАР МАХСУС ҚУЙМОҚ УНИДАН ФОЙДАЛАНИЛСА, ТЕЗ ҚУЙМОҚ ПИШИРИШ МУМКИН.

Уй бекалари учун қуймоқ уни— яхши топилдиқ ҳисобланади, чунки унинг таркибида ҳамма нарса— қуймоқ уни тайёрланадиган зарур маҳсулотлар мавжуддир. Унни сут ёки сувга қаймоқ қуюқлигида қорилади ва яхшилаб аралаштирилади, токи тугунчалар яхши ёзилсин. Қоришмага бир неча қошиқ ўсимлик мойи қўшилгани маъқул, шунда товани ҳар сафар мойлаб ўтиришдан ҳоли бўлинади.

ҚУЙМОҚ УНЛАРИНИ «ТАШХЛЕБТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.



«ТАШХЛЕБТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

22 МАРТ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.45 «Цюихлик «гномлар» ҳузурида». Швейцария репортажи. Кўрсатувни автор—сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 20.10 «Н. Толстой чалади». (Арфа). 20.20 «Шерлок Ҳолмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Шерлок Ҳолмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.10 Эстрада программаси. Кўрсатув тугагач (23.50)— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

19.00 «До-ре-ми-Фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ассалом, наврўз!». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ассалом наврўз!». Музикали программа (давоми). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ватангадолар». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 18.05 Кинокамера билан саёҳат. 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.40 «Табиат ва биз» (тожик тилида). 20.10 «Ахбор» информацион программаси. 20.30 «Дугонаҳо». Телевизион клуб. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

23 МАРТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.45 Догистон АССР Буйнакс шаҳар Маданият уйи «Атлан» халқ рақс ансамблининг концерти. 10.15 «Будильник». 10.45. «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган врач Ю. В. Белянчикова олиб боради. 12.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумининг 15 йиллигига. 14.00. «Музикали қидоск». Э Беляева олиб боради. 14.30 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан, «Мосфильм». 1977 й. 15.40 «Об-ҳаво кузатувчилари». Ҳужжатли фильм. (Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси). 15.50 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 16.35 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 17.35 Мультфильмлар программаси. «Сурнайча ва қушча ҳақида», «Ажойиб манеж». 17.55 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Академик рус қўшиқлари ҳори ижросида О. Кавалёва қўшиқлари. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Телевизион бадиий фильм премьераси. «Ёз ҳам тугаб қолди». Свердловск киностудиси. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 1979 й. 20.25 В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллигига. «Петроград. Ўн еттинчи йил октябри». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. «Экран» ижодий уюшмасининг маҳсулоти. 1980 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 СССР халқ артисти И. С. Козловский иштирокида фильм-концерт. 22.45 Спорт ҳақида ҳужжатли фильм программаси: «Олимпиадага биллет» (Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси). «Бахт» (Куйбишев кинохроника студиси). Кўрсатув тугагач (23.15). — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Қашқадарё область Деҳқонобод район Маданият уйининг «Тог гўзали» ашула ва рақс ансамбли концерти. 10.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврасй» (7 мартдаги кўрсатув такрорланади). 12.10 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». 13.10 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 14.40 «Шахмат мактаби». 15.10 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар» (рус.). 16.00 Реклама. 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бир том остида», «Салом, Тулки хола», «Оқ бўталоқ». Мультфильмлар программаси. 19.00 Болалар учун. «Юллуэча». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.).19.45 «Қўшиқчи шоирлар». Ўзбекистон халқ шоири Хабибий. 20.30. «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқчи шоирлар» Ўзбекистон халқ шоири Хабибий. (давоми). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ўзбек циркининг манежида». 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Воронеж». «Совет Иттифоқи шаҳарлари» туркумидан телевизион фильм. 17.15 «Образлар». Фильм-концерт. 18.20 «Новинка» киноклуби. 19.20 28 панфиловчи-қаҳрамонлар номли совриги учун Бутуниттифоқ турнири. 19.50 «Учқун» студияси кўрсатади. «Тарбия» 20.20 Сатира ва юмор нечаси. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ЯРАШУВ

ҲАЖВИЯ

Суд раиси хонасига кирган ёш эр-хотиннинг ҳозирги ҳолати чарсиллаб турган оловга ўхшайди. Раиснинг ишораси билан улар столнинг икки томонида— эр шимолга, хотин жанубга қараб тумшайиб ўтиришди.

— Шундай қилиб ажраламиз денг, ўртоқ гражданлар! — деди суд раиси — барвақта гавдали, икки юзи қип-қизил одам.

— Ажраламиз! — деди қорачадан келган, сочи қуюқ, хушқомат йигит.

— Бу киши ажралсалар мен қараб ўтираманми? Ажраламан! — деди коп-кора кўзларидан ёш сизиб, лўппи юзли келинчак шиқаста овозда.

— Аризани сиз ёзгансиз чоғи, гражданин Ботиров?

— Меникиям киссанда, мана,— деди аёл.

Эр-хотин бир-бирларига ўқрайиб қарашди. Шу пайт лимонранг телефон жиринглади. Суд раиси кўнглидан «яша, жуда вақтида» деган гап ўтди. У ручкали қўли билан оқ трубкани кўтариб, шапалоқдек қулоғига босди.

— Хўп, хўп. Ҳозир бораман, — деди-да, эр-хотинга ҳезланиб, соатига қаради. — Мени ўн беш минут кутасизлар.

У шундай деб, полни ларзага солиб чиқиб кетди.

Роппа-роса ўн беш минут ўтганда у гурсиллаб хонага кирди-ю, стулни ғижирлатиб ўтирди. Энди эр-хотиннинг қовоқлари хиёл кўтарилган, томирларига қочиб яширинган қон ортга қайтиб, юзларига бир оз албовранг берган эди. Суд раиси майин боқувчи қўй кўзларини уларга тикиб, деди:

— Менга зарур бир иш топиришди, гражданлар. Ҳозир битказмасам қонун олдида жавобгар бўламан. Сизлар роппа-роса йигирма минут шамоллаб келинглар. Кетиб қолманглар, яна!..

Эр-хотин бир-бирларига яширинча қараб олишди. Ҳайтовур кўзларидан чақин чиқмади. Хотин олдин, эр кетидан эшикдан шарпадай оҳиста чиқиб кетишди.

Улар кетгач, суд раиси столи ғаладонидан ишлаб турган магнитофонни олиб, «стоп»ни босди. Лентани орқага айлантириди, сўнг яна тугмачасини босди. Сирочар «ёдлаб» қолганларини бир-бир такрорлай кетди. Мана: телефон жаранги, сўнг ўзининг «ҳозир бораман, мени ўн беш минут шу ерда кутасизлар», деган овози, гурс-гурс қадам товуши. Ғижирлаб очилиб ёпилган эшик овози. Бир пас жимликдан кейин йигитнинг шиддатли товуши:

— Ажраламизми?

— Сиз ажралсангиз мен қараб ўтираманми?

— Нимага уйдан араалаб кетдинг?

— Нима учун онангиз пиширган ошни мақтайсизу, меникидан гап топасиз?

Кейинги жумлалар яхши ёзилмаган эди.

— Укамнинг туғил... Онамнинг ўзлари... кетдилар десам, онангиз

Кўпмай, «мен қизимникига бораман... юрасиз» деб зуғум қилдилар. Кейин бормадимда! Сизнинг онангизнинг гапи гапу, менинг онамнинг...

Шундан сўнг лента бироз бўш айланди.

— Хўш, ажраламизми?

— Сиз ажралсангиз ёпишиб оламанми? Ана бу хатларингизниям олинг, «севаман, куяман» деб уч йил ёзган ҳасратномангиз...

Улар яна икки қутбга қараб ғапиришган бўлса керак, лента айрим сўзларнигина такрорлади. Бироздан сўнг йигитнинг қаяжонли, хушомад оҳангидаги овози, ҳатто нафаси эшитилди.

— Кел, Маҳбуб, бир марта инганимни юзимга солма. Айтдим-ку, улфатлар йиғилдик. Онамниям биласан-ку, жанжаллашган бўлсалар ам, барибир, сени яхши кўрадилар. Ўзинг «ўлгунча ажралмаймиз» демаганмидинг?

— Ўша куни «бирга яшолмаймиз» деб аввал ким айтди?

— Уйдаги гапни онангга бориб айтишинг шартми? Онанг онамга «куёв пияниста эканлар-да» дебдилар.

— Онангиз ҳам «қизингиз пазанда эмас, чошгоҳгача қовоғи шиширилиб ухлайди» дебдилар онамга. Қачон кеч турдим? Қайси овқатни пиширолмайман. Асли онангиз онам билан мактабдаям қирпичок эканлар. Менинг онам синфком эканлар...

— Менинг онам деворий газета редактори бўлганлар! — кам келмади йигит ҳам.

— Совчи юборганингиздаям онам: «Акбаржон-ку яхши йигит, лекин онасидан кўнглим тўлмайди-да, хўп жанжалкаш дегандилар. Мен бўлса сизга ишониб...

— Онамни шунча ёмонлаб, яна йиғлайсанми-а. Кел қўй... Хай, энди ярашамизми? Хўп де, кел... (чўлп этган ўпиш овози).

Аёлнинг йиғламсираган товуши.

— Бўлмаса нима учун ариза ёздингиз?

— Уч кун командировкага кетганимда онам билан уришиб кетганингдан кейин...

— Аслида онамнинг гапларига кирмасам бўларкан...

— Аризаларни қандай қилиб қайтариб оламиз энди? — сўради йигит.

— Ҳали қайтариб бермаса-я! Ажратиб қўйса нима қиламиз,— деди аёл ҳазиллашиб. Шундан сўнг лентада ғижиллаб очилиб ёпилган эшик овози, сўнг гурс-гурс қадам товушлари, стулнинг ўз тақдиридан норози эшитилди.

Суд раиси «стоп»ни босиб, соатига қаради. Шу пайт эшик очилиб, эр-хотин бош эгиб кириб келдилар. Бўйинларини ҳам қилганча бир-бирларига рўбарў ўтиришди. Суд раиси кўзига эр сал қичрайган, келин эса дароз тортгандай туюлди.

— Шундай қилиб ажраламиз денг, ўртоқ гражданлар, — раис эр-хотинга муғомбирона тикилди. Улар чўчиб кетгандай бўлишди.

— Нега жим ўтирибсизлар, ғапиринглар! Ёки аризаларингизни қайтариб берайми-а?

Келин-куёвнинг юзларида пушаймон ва хижолат аломатлари кезарди.

— Майли, олиб турингларм, шошиб иш қилманглар, ўртоқ гражданлар. Ота-оналарнинг ғапларига кулоқ солиш жуда яхши. Лекин қудалар жанжалли деб, оила бузилмаслиги керак.

Қизариб кетган ёш эр-хотин ўзларини қаерга қўйишни билмай ҳазиллашиб туришарди. Келин пешонасидаги терларни дам-бадам атрофи қизил тўрли шойи рўмолчага артарди.

— Уйларинг тўйига таклиф қилсангизлар, албатта бораман,— деди суд раиси. —Соғ бўлинглар!

Эр-хотин бошларини эгганча чиқиб кетишди. Суд раисининг гўштдор юзи нурланиб кетгандай, хона ҳам равшан тортгандай бўлди.

Музаффар ТУРСУНОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

• ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

БАКТЕРИЯ РУДА ҚАЗИЙДИ

Қўнғирот ва Николаев конларида шахтасиз, лавасиз ва кон йўлларисиз конлар ишлай бошлади. Республика фанлар академиясининг олимлари кишилар бошқарадиган машиналар ўрнида химиявий реагент ва микроорганизмларни ишлашга мажбур қилдилар. Бу микроорганизмлар мис олиш учун керакли концентрантни «ҳосил қилади».

Рудага трубалар орқали микроорганизми бўлган химиявий реагент ҳайдалади. Бу ерда улар каттакон колбадаги сингари металлнинг сувда эримайдиган бирикмаларига актив ҳужум бошлаб, бу бирикмаларни эрийдиган ва ҳаракатланадиган қилади. Фойдали компоненти бўлган эритма қудуқ орқали ер юзидаги тиндиргичга ҳайдаб чиқарилади. Шунда мис чўкади, тозаланган эритма эса яна қудуққа ҳайдалади.

— Бактериялар воситасида ишқорлаш методи билан саралаш корхонасининг яроқсиз жинслари ва чиқитларидан дастлабки минг тонна мис ҳосил қилинди,— дейди республика фанлар академиясн микробиология ва вирусология институтининг директори А. Н. Илаледдинов.— Олимлар микроорганизм штамларини олиш, уларни саноат кўламида етиштириш режимларини пишиктиришга доир тадқиқотларни давом эттирмоқдалар. Янги бактериялар изланмоқда.

(ТАСС).

• ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИНИНГ «ОНАСИ»

Термиз ҳайвонот боғида ғалати бир оила вужудга келди: Австралиянинг ёввойи ити Динго иккита йўлбарс боласини боқимига олди. Бу воқеа қуйидаги ҳолда вужудга келди.

Ёш йўлбарслар туғилганига атиги уч кун бўлганди. Уларнинг онаси ўлиб қолди. Шунда ҳайвонот боғининг ходимлари олдида — уларни қандай сақлаб қолиш масаласи кўндаланг бўлди. Бунинг учун лайчани «эмиздирадиган» қилмоқчи бўлишди. Лекин унинг ҳам иккита боласи бор эди ва йўлбарс болалари ҳам қўшилса сут етказа олмасди. Шундай қилиб, йўлбарс болаларини яқинда болалаган йиртқич Динго ёнига қўйишга қарор қилишди. Қилинган бу эксперимент кутилганидан зиёда бўлиб чиқди. Австралия ити Осиё йўлбарсчаларига шу қадар ўрганиб кетдики, баъзида ҳатто ўз боласини ҳам унутиб қўярди.

Ҳозир йўлбарс болалари бир ойлик бўлиб қолди. Улар яхши ўсмоқда ва тез семирмоқда. «Она» йўлбарсчаларни авайлаб асрамоқда, бу ғалати оила турган хонага фақат ветврач киришигагина рухсат этади.

(ЎзТАГ).

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

22 МАРТ, 1980 й. Р — 07143. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми тети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2096. 5 /